ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

К.ТУРҒУНБОЕВ, Ф.КОМИЛОВА

В данной статье рассматриваются теоретико-методологические основы инновационных процессов в образовании. Приведено определение методологии педагогической инноватики. Так же в статье предложена систематика педагогических нововведений, состоящая из нескольких блоков.

This article discusses the theoretical and methodological organization of basis of innovational processes in education. It provides definite methodology of pedagogical innovations and the author suggests the systematization of pedagogical new introductions consisting of some blocks.

Таълим тизимида бугунги кундаги тезкор ўзгаришлар янги педагогик ишланмалар билан бевосита боғлик. Бу ишланмалар ўз моҳияти, мазмуни ва ўзига хос методикаси асосан билиш жараёнининг кечишини таъминлашга қаратилгани билан характерланади. Ушбу жараён ўз мақсади ва вазифасига кўра келажак авлод фаолиятининг мустақил, ижодий, тезкор, сифат ва самарадорлик даражасида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, янги, замон талабига жавоб бера оладиган “педагогик янгиликларни ишлаб чиқиш, уларни билиш жараёнига олиб кириш, қўллаш каби бир қатор масалаларни ҳар бир регион, таълим муассасаси, фан мавзуси ечимида ижодий ҳал этиш бугунги кундаги долзарб масала ҳисобланади. Бу ўринда олиб кирилаётган педагогик янгиликлар қанчалик таъсирчан ва пухта ишланган бўлмасин, уларни инновацион жараёнларнинг бошқарувисиз ва тўғри ташкил этмасдан ўзлаштириб бўлмаслигини ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун янгиликларни олиб кирувчи ташаббускорлар янгилик яратиш ва уни амалга ошириш йўлида маълум тўсиқларга учрайди. Янги шакл, методика ва педагогик технологияларни қўллаш ўша янгиликларни татбиқ этиш, ўзлаштириш ва бошқариш тўғрисида пухта ўйлашни тақозо этади. Таълимда инновацион фаолиятни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш педагогик инноватика соҳасига алокадор.

Педагогик инноватика бизнинг республикамизда ҳали жуда ёш фан бўлиб, у ҳақда 20 йил атрофида гапира бошланди. Бугунги кунда педагогик инноватиканинг назарияси ва методологияси тўғрисида ишланмалар етарлича яратилгани йўк. Шу нуқтаи назардан янгиликлар яратиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш ва ушбу жараённи бошқаришнинг ижодий ғоялари, принциплари, технологиялари, айрим ҳолларда уларни наъмунавий лойиҳа даражасига олиб чиқиш масаласини ҳал этишга бугунги кунда соҳа мутахассислари олдидаги асосий муаммо сифатида қаралмокда. Янгилик ва янгиликни олиб киришни бир-биридан ажрата билиш керак. Агар педагогик янгиликни айрим ғоя, метод, восита, технология ёки тизим деб тушунсак, янгилик олиб киришни янгиликни татбиқ этиш ва ўзлаштириш жараёни деб тушунилади. “Янгилик” тушунчаси “инновация” тушунчасининг синоними ҳисобланади.

Янгиликни олиб киришни конструкциялаш ёрдамида таълим муассасалари даражасида, регион ва мамлакат миқёсида таълим тизимининг ривожланишини бошқариш мумкин. Педагогик янгиликлар киритишни типларга ажратишни асослаш, янгилик киритишни ривожланишидаги ўзига хослик ва қонуниятларни ўрганиш янгиликларни киритишга ёрдам берувчи ёки тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имкониятларини кўрсатиб беради.

Инноватикадаги таянч тушунча **инновацион жараёндир.** Инновацион жараёнлар таълимда **учта асосий: ижтимоий-иқтисодий, педагогик-психологик, ташкилий бошқарув** жиҳатдан қараб чиқилади. Ушбу жиҳатлардан инновацион жараёнлар кечадиган умумий муҳит ва шарт-шароитлар маълум аҳамият касб этади. Чунки мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараёнларга ёрдам бериши ёки тўсиқ бўлиши мумкин. Инновацион жараён стихияли ёки онгли бошқарув характерида намоён бўлади. Янгиликни киритиш – энг аввал, ўзгаришларни, сунъий ёки табиий жараёнлардаги ўзгаришларни бошқариш вазифасидир. Бу ўринда инновацион жараёнларни учта жиҳати: янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва қўллашни эътиборга олищ зарур. Айнан мана шу уч таркибли инновацион жараён педагогик инноватикада ўрганиш соҳаси бўлиб, дидактикада эса тадқиқот объекти ҳисобланади ва у ўқитиш жараёни ҳамдир.

Бошқа тизимли тушунча – **инновацион фаолият** таълимнинг у ёки бу даражасида иннова-

ион жараённи таъминловчи комплекс қўлланиладиган чора-тадбирлар жумласига киради. Бу ўринда ўқитиш жараёни ҳам ана шу тадбирларнинг узви сифатида иштирок этади. Инновацион фаолиятнинг асосий функцияларига педагогик жараён компонентларининг ўзгаришлари, жумладан: моҳият, мақсад, таълим мазмуни, шакл, метод, технология, ўқитиш воситалари, бошқариш тизими ва бошқалар киради. Инноватика педагогикага маданиятшунослик, лингвистика, иқтисодиёт соҳаларидан кириб келди. Шунингдек, анъанавий ва баъзан танқид қилинувчи ўзаро боғлиқликни характерловчи татбиқий инноватикадан ҳам кириб келган (фан ишлаб чиқади ва амалиётда қўлланилади). Сўнгги йилларда эътиборга олинаётган субъектнинг ўз таълимини лойиҳалашдаги ролини оширишни белгиловчи шахсий йўналишли педагогик парадигманинг ривожланишига юқоридаги фикр зид келади. Педагогикадаги инновация жараёнига иктисоддаги, ишлаб чиқариш ва ишбилармонликдаги соҳаларни механик тарзда олиб ўтиш мумкин эмас. Педагогика фанига шахс тўғрисида баҳс юритувчи фан сифатида қаралганда, унинг объекти – ўрганувчи шахсга тўғридан-тўғри ташқи таъсирни юзага келтирмасдан, балки таълимни янгилаш нуқтаи назаридан олиб, ўқувчининг бевосита иштирокида амалга оширишни тақозо этади. Айни шу ҳолат педагогик инноватиканинг объекти ва баҳс мавзусини аниқлашда муҳимдир. Худди шу масала педагогик инноватиканинг назарий-методологик асосини яратишнинг бош асоси бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларга таянган ҳолда, педагогик инновация тушунчаси остида педагогик инновация фани табиати, унинг яралиши ва ривожланиши қонуниятларини таълим субъектига муносабатда ўтмиш ва келажак анъаналари билан ўзаро боғлиқликда тушунамиз. **Педагогик инноватиканинг объекти ва предметини** қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Педагогик инноватика объекти - таълимда инновациянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзлаштириш жараёни сифатида тушунилади. Бу ўринда **инновация** сўзи остида таълимга янги элементларни олиб кирувчи ва натижада уни бир ҳолатдан бошкасига ўтишга олиб келувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришлар тушунилади.

Педагогик инноватика предмети - таълимда субъект - шахснинг юзага келишига йўналтирилган инновацион таълим фаолиятидаги тизимли муносабатлар тушунилади (булар ўқувчи, педагог, администратор - ҳар бири субъектнинг шахс сифатида иштирокини таъминлашга қаратилган.

Бугунги кунда инновацион ўзгаришлар қуйидаги йўналишларда: янги таълим мазмунини шакллантириш; янги ўкитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; янги дастурларни ўзлаштиришнинг метод, усул, воситаларини қўллаш; ўқитиш жараёнида шахснинг ўз-ўзини аниқлаши учун шарт-шароитлар яратиш; ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ташқи кўринишини ўзгартириш, уларнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар ясаш, ижодий инновацион жамоани шакллантириш, мактаб, ўрта махсус ва олий таълимни яратиш ва ривожлантиришни амалга оширишни тақозо этади. Таълимда инновацион жараёнларни тадқиқ этиш бир қатор назарий-методологик муаммоларни келтириб чиқармоқда: жумладан, анъанавийлик ва инновациядаги ўзаро муносабатлар, мазмун ва инновацион цикл босқичлари, таълимда турли субъектларнинг инновацияга муносабати, инновацияларни бошқариш, кадрлар тайёрлаш, таълимдаги янгиликларни баҳолаш мезонларини асослаш ва бошқалар. Бу муаммоаларни ҳал этиш эса бошқа, юқори даражадаги методологияни яратишни тақозо этади. Чунки, ҳар бир соҳанинг ривожланиши маълум бир асос, фундамент (методология)га кўра амалга оширилишини ҳисобга олсак, педагогик инноватика фан сифатида ўзининг асосига (методологиясига) эга бўлиши ҳам зарурий шартдир. Шу жиҳатдан қаралганда, педагогик инноватиканинг методологик асосини юзага келтириш ўта долзарблик касб этади. Бугунги кунда педагогик инноватика методологик тадқиқотнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Таълимий инновацияни илмий жиҳатдан асослаш мавжуд методологик базага таянишни талаб этади. Бунинг учун умумий педагогикага тааллуқли методологияга алоқадор бўлган илмий аппаратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Педагогикада методология нимани билдиради? Бу борада философлар, методология билан шуғулланувчилар, педагоглар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Таълимда инновациянинг фаолиятли моҳияти ва уларни ўқиш шаклида ифодалаш зарурати педагогик инноватика методологиясини англашда маълум талабларни, яъни ўзаро узвий икки жиҳатни - ўқиш ва фаолиятнинг ўзаро бирлигини тақозо этади. Бу икки ўзаро боғлиқликдаги томонларни эътиборга олиб педагогик методологияни аниқлашга ҳаракат қиламиз. М.Н.Скаткин фикрича, педагогика методологияси “Педагогик хақиқатни ифодаловчи педагогик назариянинг асоси ва тузилиши тўғрисида билимларни ўзгартиришга ёндашиш принципи ва усуллари тўғрисидаги билимлар тизими”[5]. В.В..Краевский томонидан кейинчалик ривожлантирилган фикрга

кўра: “Махсус илмий педагогик тадқиқотларнинг сифатини баҳоловчи билимлар ва дастурларни асословчи фаолият тизимидир” [6].

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шундай дейиш мумкин: педагогик инноватика методологияси педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва қўллашга алоқадор бўлган асос ва тузилиш тўғрисидаги билимлар ва фаолиятлар тизимидир. Демак, педагогик инноватика методологияси соҳасига билимлар ва шунга мувофиқ фаолиятлар тизими кириб, у назарий таълимот учун характерли бўлган ўзига хос принциплар, қонуниятлар, асосий тушунчалар ва улар ўртасидаги боғлиқликлар, воситалар, қўллаш соҳалари ва чегараларини ўрганади, изоҳлайди ва асослайди.

Педагогик инноватика ва унинг методологияси таълимни модернизациялашда таҳлил этиш, асослаш ва лойиҳалашда зарурий восита бўлиб хизмат килиши мумкин. Бундай глобал инновацион жараёнларни илмий асослаш эса маълум ишланмаларга муҳтождир. Жуда кўплаб янгиликлар: жумладан, умумий ўрта таълимда таълим стандартлари, барча таълим тизимини модернизациялаш, касбий йўналишли таълим, ягона давлат имтиҳонлари ва бошқалар инновацион педагогик ёндашувда қараб чикилмаган ва унда маълум янгиликларни ўзлаштириш ва қўллаш жараёнидаги яхлитлилик ва тизимлилик кўзга ташланмайди. Шунингдек, инновацион жараёнларнинг таълим муассасаларида бошқарувини ҳисобга олиш, узлуксиз инновацион ҳаракатларни, педагогик шарт-шароитларни ишлаб чиқиш борасида ҳам назарий асосларни яратиш зарурати эътиборга олинмоғи зарур. Инновацион жараёнлар махсус кадрларни: педагогларни, бошқарув соҳаси кадрларини, таълим менеджерларини, янги иш соҳасига лойиқ кадрларнинг янги авлодини яратиш кераклигини кўрсатмокда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, педагогик инновацияларни типларга ажратиш муаммосини кўриб ўтиш керак. Айтилганларни эътиборга олган ҳолда 10 та блокдан иборат бўлган педагогик янгилик тизимини таклиф этиш мумкин. Ҳар бир блок алоҳида асос ва *дифференциал ёндашувга* кўра шаклланади. **Асослар педагогик янгиликларнинг қуйидаги параметрлари бўйича ишлаб чиқилади: фан тузилишига, таълим субъектига, амалга ошириш шартлари ва янгиликлар характерига муносабат нуқтаи назаридан қараб чиқилади.**

Ишлаб чиқилган тизим (систематика) бўйича педагогик янгиликлар қуйидаги типлар ва майда типларга бўлинади:

1. Таълим тизимининг тузилмавий алоқадорлиги бўйича янгиликлар мақсадларда, вазифаларда, таълим ва тарбиянинг мазмунида, шаклларида, усулларида, ўқитиш технологияларида, ўқитиш ва таълим воситаларида, диагностика тизимида, назоратда, натижаларни бошқариш ва бошқаларда;

2. Таълим субъектининг шахсий ёндашувига кўра ўқувчи ва педагог қобилиятларининг ривожланиши соҳасида, уларнинг билим, кўникма ва малакалари, фаолият усуллари, лаёқатлилик соҳасидаги ривожланишида;

3. Педагогик қўлланиш соҳаси бўйича: ўқув жараёнида, ўқув курсида, таълим соҳасида, таълим тизими ва даражасида, ўқитиш тизими даражасида, таълимни бошкаришда;

4. Педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро фаолиятидаги типлар бўйича: жамоавий ўқишда, гуруҳли ўқишда, алоҳида ўқишда, репетиторликда, оилавий ўқишда ва бошқаларда;

5. Функционал имкониятлари бўйича: шароитларга янгиликлар (таълим муҳитини, ижтимоий-маданий шароитларни ва бошқаларни янгилаш), педагогик воситалар, лойиҳалар, технологиялар ва бошқаларга янгиликлар киритиш, бошқарувдаги янгиликлар (таълим тизими тузилишида, бошқарув фаолиятига уларнинг фаолиятини яхшилашни таъминловчи янги таклиф ва қарорлар)да;

6. Амалга ошириш (йўлга қўйиш) усуллари бўйича: режали, тизимли, даврий, стихияли, тасодифий;

7. Тарқалиш кўлами бўйича: битта педагог фаолиятида, педагогларнинг методик бирлашмалари, мактаб, мактаблар гуруҳи, регион, вилоятлар бўйича, халқаро даражада;

8. Ижтимоий педагогик аҳамияти бўйича: маълум типдаги таълим муассасаларида, педагогларнинг аниқ касбий-типологик гуруҳлари учун;

9. Новаторлик тадбирларнинг ҳажми бўйича: тор доирада, оммавий, глобал кўринишда;

10. Ўзгаришлар содир бўлиши мумкин даража бўйича: корректировкали, модефикациялаш, модернизациялаш, радикал, инқилобий кўринишларга эга бўлиши мумкин.

Таклиф қилинган систематика турлича тавсифларга, турлича блокларга эга бўлиши мумкин. Масалан, ўқувчилардаги таълимий рефлексия бўйича инновация ўқитишни диагностика қилиш тизимига муносабат нуктаи назаридан ҳам, ўқувчилар фаолият усулларини ривожлантириш, ўқув жараёнида қўллаш кўлами ёки усулига кўра ҳам, шароитга янгилик киритиш ва шу каби бошқа жиҳатлардан ҳам тавсифланиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ишмухаммедов Р.Ж. ва б. Таълимда инновацион технологиялар.- Т., 2010
2. Саидахмедов Н. Замонавийлик. Методология. Педагогика. // Узлуксиз таълим.- 2004.- № 1,2
3. Поляков С.Д. В поисках педагогической инноватики.- М. 1993
4. Ҳасанбаев Ж. ва б. Педагогика фанидан изохли луғат.- Т., 2009
5. Скаткин М.Н. Методология и методика педагогических исследований (В помощь начинающему исследователю).- М.,1986
6. Краевский В.В. Методология педагогического исследования. Пособие для педагога-исследователя.- Самара, 1994

Андижон давлат университети,
2013 йил 22 февралда қаюуд қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)